
Мукофотлар тантанали равишда топширилди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Меҳр-саховат” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда фаол иштирок этишда ўрнатилган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида “Меҳр-саховат” кўкрак нишонини таъсис этилган эди.

Риштон тумани ҳокимлиги катта мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу кўкрак нишонига сазовор бўлган ходимларига мукофотлар тантанали равишда топширилди.



Ўзбекистон бутун дунёга ҳар қандай шароитда ҳам давлат ва халқ ҳамжиҳатлигининг ёрқин намунасини яна бир бор кўрсата олди. Мамлакатимиздаги бирдамлик ва энг асосийси, давлат томонидан оқилона сиёсатнинг тўғри юритилгани бутун жамиятнинг мураккаб жараёнлардан кам талофат билан ўтиб олишига, халқимиз турмуш даражасининг барқарорлиги сақланишига замин яратмоқда.



Кенг кўламда амалга оширилаётган тегишли чора-тадбирларнинг самарали рўёбга чиқарилишида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айти пайтда синовли кунларда оғир иқтисодий-ижтимоий аҳволга тушиб қолганларга хайрия ва саховат маблағларини манзилли етказиш, беғараз ҳомийлик ишларига кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича улар томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-11-05 17:10:52